

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАТХОДЖАЕВА ФЕРУЗА ХОТАМОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАР  
МАЪНОЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРИНИНГ  
ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

УДК: 811.512.133.

**фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on Philological  
Sciences**

**Муратходжаева Феруза Хотамовна**

Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ва сўз бирикмалар маъноларининг  
когнитив-семантик таҳлили ва уларнинг таржима муаммолари

**Муратходжаева Феруза Хотамовна**

Когнитивно-семантический анализ значений слов и словосочетаний на  
английском и узбекском языках и их проблемы перевода

**Muratxodjayeva Feruza Xotamovna**

Cognitive-semantic analysis of the meanings of words and phrases in English  
and Uzbek and their translation problems

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of pulished works .....

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ  
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУРАТХОДЖАЕВА ФЕРУЗА ХОТАМОВНА**

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА СЎЗ ВА СЎЗ БИРИКМАЛАР  
МАЪНОЛАРИНИНГ КОГНИТИВ-СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИНГ  
ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва  
таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Fil1319 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Сиддикова Ирода Абдузхуровна**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Аскарова Шахноза Камолидиновна**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.С.Сирождинов**

Бир марталик илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

**Қ.Пардаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори, доцент

**Н.Нормуродова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослигида лисоний онг ва идрок, уларнинг вербаллашуви тил ва тафаккур, тил ва нутқ муносабатлари доирасида тадқиқ этилмоқда. Хусусан, антропоцентрик парадигма йўналишида оламнинг лисоний ва концептуал манзарасида идрок, тафаккур, ментал онг иштирокини ёритишга қаратилган тадқиқотлар юзага келди. Тил ходисаларини тилдан фойдаланувчиларнинг лисоний базаси, лексикони, билим даражаси, қобилияти, маданий онгига алоқадор ўрганиш натижасида когнитив тилшунослик ривожланди. Тилнинг борлиқни англаш, дунёни билиш функцияси, миллий-маданий муносабатларни акс эттириш хусусиятини қардош бўлмаган тиллар доирасида ўрганиш вербал воситаларнинг когнитив белгиларини равшан намоён этишда катта аҳамиятга эга.

Дунё илмида тилларни қиёслаш, чоғиштириш, уларнинг универсал ва уникал хусусиятларини аниқлаш негизида вербал воситаларнинг умумий ҳамда хусусий белгилари таҳлил этилмоқда. Борлиқни идрок этишда, оламни акс эттиришда тил, лисоний онг, тафаккур муносабатларини ўрганиш, ментал лексикон, унинг лисондаги ўрни, фикрлаш жараёнига белгиловчи таъсири масалаларини тадқиқ этиш тобора амалий аҳамият касб этмоқда. Лисоний онгдаги концептуаллашув, олам манзарасини категориялаштириш, тил ва тафаккур муносабатларида сўз ва сўз бирликларининг мулоқотни ташкил этиш функциясига доир изланишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбек тилшунослигида когнитив тилшунослик масалалари психоллингвистика, прагматлингвистика, лингвокультурология тушунчаларига ёндашган ҳолда тадқиқ этилмоқда. Ўзбек тилини чет тилларига қиёсий-чоғиштириб сўз ва сўз бирикмаларининг когнитив хусусиятларини аниқлаш, она тилимизни жаҳоннинг энг ривожланган тиллари қаторига чиқариш, “Ўзбек миллий мумтоз ва замонавий адабиёти намуналарини жаҳон тилларига сифатли ўгиришга доир таржимонлик мактабларини ривожлантириш, жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини восита ва оригинал тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш тизимини кенг қўллаб-қувватлаш”<sup>1</sup> масалалари кун тартибига қўйилмоқда. Агглютинатив тил белгиларини флектив тил хусусиятларига чоғиштирма тадқиқи, хусусан, ўзбек ва инглиз тилларида сўз, сўз бирикмалари маъноларининг когнитив-семантик таҳлили ва уларнинг таржима муаммолари масалалари долзарб саналмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон “Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

<sup>1</sup> “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.

Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон “Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги арами ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъриий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги йилларда тилшунослик фанида бир қанча янги тармоқлар юзага келди, улар ичида лингвокогнитология жадал ривожланаётган бўлса-да, ҳалигача бир қатор саволларга яқуний жавоб топилган эмас. Когнитив тилшуносликнинг асосий тушунчалари хорижда Ф.Варела, Е.Томсон, Р.Лангаккер, Ж.Лакофф, М.Жонсон, Н.Жинкин, Б.Величковский, Н.Караулов, Ю.Степанов, С.Тер-Минасова, З.Попова, И.Стернин, Н.Болдирев, В.Карасик, Г.Воркачев каби қатор олимлар тадқиқотларида ёритилган<sup>2</sup>. Бу олимлар когнитив тилшуносликнинг назарий моҳиятини тушунтириш билан бирга унинг асосий тушунчалари, жумладан, идрок, инсон тафаккури ва руҳияти, концепт, шахс-тил-дискурс, лисоний ҳодисаларни концептуал ёндашув асосида таҳлил қилиш каби қатор масалаларни таърифладилар.

Мамлакатимизда ҳам лингвокогнитологияга доир бир қанча илмий тадқиқотлар юзага келди. Ш.Сафаров, А.Абдуазизов, Д.Ашурова, А.Нурмонов, М.Ҳакимов, Н.Маҳмудов, М.Расулова, А.Маматов, Д.Худайбергана, И.Сиддиқова, С.Мухамедова, Л.Раупова, Н.Нормуродова, М.Галиева, Д.Бахронова каби қатор олимларнинг изланишларида когнитив тилшунослик тушунчаларининг функционал кенгайтиши, билим ва тасаввур, концепт кўламининг катталиги, маъно ва образни биргаликда қамраб олиш, тил ва менталлик, тафаккур ва вербаллашув, инсон омили, лисоний шахс, диалогик дискурдаги полипредикатив бирликларнинг прагматик хосланиши, идрок-нутқ-тил муносабатлари, олам манзарасининг лингвокогнитив категорияланиши каби масалалар таҳлил қилинган<sup>3</sup>.

<sup>2</sup> Varela, F., Thompson, E. The Embodied Mind: Cognitive Science and Human Experience. – Cambridge, 1991. – p.328.; Langacker, R. Cognitive Grammar: A Basic Introduction. – New York, 2008. – p. 573.; Лакофф Дж., Джонсон М. Метафоры, которыми мы живем. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.; Жинкин Н. О кодовых переходах во внутренней речи // Вопросы языкознания. – Москва, 1964. – № 6. – С.26-38; Величковский Б. Когнитивная наука: Основы психологии познания: в 2т. – Т. 1. – Москва: «Академия», 2006. – 448 с.; Караулов Ю.Н. Языковая личность. – Москва: Наука, 2004. – 264 с.; Степанов Ю.С. Язык и ментальность. – Санкт-Петербург: Петербургское введение, 2004. – 64 с.; Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – Москва: Слово, 2008. –264 с.; Попова З. Д., Стернин И. А. Когнитивная лингвистика. – Москва, 2010. – 314 с.; Болдырев Н.Н. Когнитивная лингвистика. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 251 с.; Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Воркачев С. Концепт счастья: понятийный и образный компоненты // Известия РАН. 2001. № 6. С. 47–58.

<sup>3</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008. – 285 б.; Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. –Toshkent: Sharq, 2010.; Ашурова Д.У. Коммуникативно-когнитивная теория текста // Linguistics. – Тошкент, 2010. – 324с.; Нурмонов А. Имманентликдан когнитивликка // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2009. – №6. – Б. 104-107; Ҳакимов М. Ўзбек тилида матннинг прагматик талқини: Филол. фан. д-ри ... дис. – Тошкент: ЎзР ФА ТАИ, 2001. – 283

Когнитологияда когнитив тизимни моделлаштиришда стандарт хисоблашнинг икки хили: мумтоз ёндашув (символизм) ва замонавий ёндашув (коннекционизм<sup>4</sup>) қўлланмоқда. И.Меркуловнинг таъкидича, символизм ёндашувида инсоннинг идроки рамзий маълумотлар бирликларини кетма-кет қайта ишловчи марказий процессорли компьютер мияси фикрлашига ўхшайди, деган фикрга асосланади. Коннекционизмда эса инсоннинг фикрлаши нейробиологик маълумотларга мос келмаслиги сабабли бу жараёни компьютер марказий процессорига ўхшатиб бўлмайди, балки бир неча маълумотни параллел қайта ишлай оладиган сунъий нейрон тармоқларига менгзаш мумкин деган тахминга асосланади<sup>5</sup>. Маълум бўлишича, анъанавий рақамли компьютерлар билан солиштирганда, сунъий нейрон тармоқлар (қурилмалар) бир қатор инкор этиб бўлмайдиган афзалликларга эга – улар, хусусан, идрок этиш тасвирларини самарали таниб олиши, ўрганиши, мураккаб масалаларни ҳал қилиши мумкин<sup>6</sup>. Б.Менглиев ва З.Холмонова: “Билимлар система характерига эга бўлмас экан, у тасаввурлигича қолади. Барқарор (система)лашган билимлар концепт табиатига эга бўлади. Концепт моҳиятини тушунча ва сўз категориялари билан яхлит парадигмада, уларнинг умумий ва фарқли жиҳатларини текширмасдан тушунтириб бўлмайди”, деб таъкидлайдилар<sup>7</sup>.

Таъкидлаш лозимки, ўзбек тилшунослигида салмоқли лингвокогнитологик тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда. Бирок алоҳида сўз ва сўз бирикмалар маъноларининг когнитив-семантик таҳлили, уларнинг таржима муаммоларининг лингвокогнитив жиҳати инглиз ва ўзбек тилларини чоғиштириб махсус тадқиқ қилинган эмас.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқо “Турли тизимли тилларнинг чоғиштира ва типологик хусусиятлари” мавзуси доирасида бажарилган.

---

б.; Маҳмудов Н. Ўхшатишлар – образли тафаккур маҳсули // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2011. – №3. – Б. 19-24; Расулова М. И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – 268 с.; Маматов А.Э. Тилга когнитив ёндашувнинг моҳияти нимада? Илмий-амалий анжуман материаллари. – Андижон, 2012. – Б. 212-220; Худайберганова Д.С. Ўзбек тилидаги бадиий матнларнинг антропоцентрик талқини. Филол. фан. д-ри. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2015. –102 б.; Сиддикова И.А., Карабаева Б.Б. Когнитивно-семантическая природа глаголов зрительного восприятия в английском и русском языках./ Сўз санъати халқаро журнали, 4-жилд, 2-сон. Тошкент, 2021 – Б. 26-34.; Мухамедова С.Х. Semantic Group of Units with the Semanteme “Thinking” in the Uzbek Languages: A Contrastive Analysis with Bosnian and English Lexicons/Jornal of Foreign Language Teaching and Applied Linguistics J-FLTAL, 2014 № 2, Sarajevo. – P. 41-51. Раупова Л.Р. Диалогик дискурсадаги полипредикатив бирликларнинг сопиопрагматик тадқиқи. Филол.ф.д. дисс. – Тошкент, 2012. – 220 б.; Нормуродова Н.З. Выражение языковой личности в художественном диалоге (на материале английского языка). Автореф. канд. филол. н. – Самарканд, 2012.- 26с.; Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик тафаккурнинг акс этиши. Филол. фан. д-ри. (DSc) дисс. автореф. – Фарғона, 2019. – 78 б.; Бахронова Д. Олам манзарасининг миллий-маданий ва лингвокогнитив категорияланиши. Монография. – Тошкент, 2021. – 256 б.

<sup>4</sup> Коннекционизм (боғланиш) – сунъий интеллект, когнитив психология, когнитивистика, неврология ва онг фалсафаси тушунчаларининг йиғиндиси бўлиб, у онг ва фаолиятни бир-бирига боғловчи тармоқ сифатида тушунилади. Коннекционизмнинг кўплаб шакллари мавжуд, лекин энг кенг тарқалгани нейрон тармоқ моделларидир.

<sup>5</sup> Меркулов И.П. Когнитивные способности. – Москва, 2005. – 182 с. (С.104).

<sup>6</sup> McClelland J.L. Parallel Distributed Processing, Exploration in the Microstructure of Cognition // Psychological and Biological Models// Vol. I. Cambridge: MIT Press, 1986.

<sup>7</sup> Менглиев Б.Р., Холманова З.Т. Тилшунослик назарияси ва методологияси. –Т., 2016. – 145 б.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва инглиз тилларида сўз ва сўз бирикмасининг когнитив моделлари, фразеологик бирликларда кўчма маънонинг концептуаллашуви жараёнларини ёритиш, таржима матндаги когнитив-семантик хусусиятларнинг аслият билан муқобиллик даражасини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва инглиз тилларида атрофдаги воқеликни қабул қилиш, уни вербаллаштириш миллий когниция призмасига боғлиқлигини асослаб бериш;

ўзбек ва инглиз жамиятида атрофдаги воқеликни қабул қилиш, уни акс эттиришда сўз ва сўз бирикмасининг образли-ҳиссий, концептуал, прагматик компонентларининг этник жиҳатдан ўзига хослигини далиллаш;

сўз ва сўз бирикмалари тузилмасида этник компонентлар этимологиясини аниқлаш, метафора ва фразеологик бирликлардаги когнитив-концептуал, миллий-маданий ва тарихий-этимологик хусусиятини ёритиш;

метафорик кўчимларнинг моҳияти ва тавсифини аниқлаш, уларнинг когнитив-семантик таҳлилини амалга ошириш;

тил ва нутқдаги метаболаларнинг фарқли хусусиятларини аниқлаш; метафорик кўчим ҳосил қилишда индивидуал-муаллифлик маҳоратини ёритиб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида инглиз ва ўзбек тиллари изоҳли луғатлари, ушбу икки халқ тафаккур тарзи акс этган сўз, сўз бирикмалари ва фразеологизмлар мавжуд бадиий адабиёт намуналари ва таржима матнлардан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети**ни инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз ва сўз бирикмалар маъноларининг когнитив-семантик таҳлили ҳамда таржима муаммолари, матнларнинг чоғиштирилаётган тиллардаги инъикоси таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда когнитив-концептуал, чоғиштирама, тавсифлаш, компонент таҳлил методи, моделлаштириш усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек ва инглиз тилидаги сўз ва сўз бирикмалари махсус кодга эгаллигининг лингвокогнитив жиҳатлари *eye - кўз, head - бош, look - назар* кабилар орқали далилланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз, сўз бирикмасининг лисоний-ментал ифодалашнинг когнитив-семантик моҳияти метафора ва фразеологизмларни чоғиштириш асносида исботланиб, ўзбек ва инглиз халқлари лисоний онгидаги когнитив жараёнларнинг ментал-индивидуал ҳосиласи икки тилдаги матнлар орқали асосланган;

ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз, сўз бирикмаси ва фразеологик бирликларнинг таржимасидаги услубий-семантик мувофиқлик даражаси ҳамда асл мазмунни ифодалашда изоҳлаш, калька, транслитерация усуллари аҳамияти мавжуд таржималар асосида очиб берилган;

сўзларда кўчма маъно юзага келишида лисоний онг, тафаккур, идрок каби когнитив механизмлар шаклланишининг тарихий-этимологик жиҳатдан асосланиб, психоллингвистик омилга боғлиқлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек тилларида атрофдаги воқеликни қабул қилиш, уни вербаллаштириш миллий когниция призмасига боғлиқлиги асосланган;

инглиз ва ўзбек халқларининг атрофдаги воқеликни қабул қилишда сўз ва сўз бирикмасининг образли-хиссиётли, концептуал, прагматик компонентларини ўзига хос ифодалаши далилланган;

метафора ва фразеологик бирликлардаги когнитив-концептуал, миллий-маданий ва тарихий-этимологик хусусиятини ёритилган; сўз ва сўз бирикмалари тузилмасида этник компонентлар этимологиясини аниқланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги метафорик кўчимлар тавсифланган, уларнинг когнитив-семантик таҳлили амалга оширилган;

бадий асарлардан олинган намуналар орқали индивидуал-муаллифлик маҳорати натижаси бўлган метафоралар моҳияти ёритиб берилган.

фразеологик бирликларнинг ядросини ташкил этувчи лексемалар семантикасига хос белгилар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** жаҳон олимларининг когнитив тилшунослик, когнитив-семантик таҳлил, когнитив моделларга оид олиб борган фундаментал илмий изланишларидан фойдаланилганлиги, фактик материалларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги бадий адабиёт ҳамда луғатлардан олинганлиги, натижаларнинг республика ва халқаро илмий конференцияларда ёритилганлиги, хориж ва республика илмий журналларида мавзуга оид илмий тадқиқотлар чоп этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек ва инглиз тилларини чоғиштириш натижасида тўпланган материалларнинг когнитология, семасиология, лексикология, фразеология каби фанлар мазмунини бойитишда, сўз ва сўз бирикмасининг когнитив-семантик таҳлилинини амалга оширишда кўчма маъно шаклланишининг психолингвистик омилларини кўрсатишда ҳамда мавзуга алоқадор илмий тадқиқотлар олиб боришда, монография ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувиغا хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чоғиштира тилшуносликка доир назарий фанлардан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда ҳамда “Қиёсий тилшунослик”, “Когнитив тилшунослик”, “Прагмалингвистика”, “Психолингвистика”, “Таржима назарияси”, “Лексикология” фанларини ўқитишда, семинар, махсус курслар ташкил этишда назарий ва амалий материал бўлиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз ва сўз бирикмаларининг когнитив-семантик ҳамда таржима матнлардаги семантик хусусиятлари таҳлили жараёнида эришилган натижалар асосида:

ўзбек ва инглиз тилларида сўз ва сўз бирикмасининг когнитив моделлари, фразеологик бирликларда кўчма маънонинг концептуаллашуви жараёнларини ёритиш, таржима матндаги когнитив-семантик хусусиятларини таҳлил қилиш; ўзбек ва инглиз тилларидаги сўз, сўз бирикмасининг когнитив-семантик таҳлили, фразеологизмлардаги семантик концептуаллашувнинг когнитив асосларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган ОТ-А1-53

рақамли “Таржима назарияси ва амалиёти факультети учун “Translation in Use” дарслигини яратиш ва нашр қилиш” (2017-2018 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳанинг “Simultaneous translation”, “Writing translation” қисмидаги ўқув қўлланмалар мавзуларини ёритишда фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 11 июндаги IRB 22/166-сон маълумотномаси). Натижада, сўз, сўз бирикмаси ва фразеологик бирликлар таржимасидаги услубий-семантик мувофиқлик ҳамда таржималар адекватлигига эришиш, кўчма маънонинг юзага келишининг когнитив асослари, лисоний онг, тафаккур, идрокнинг кўчма маъноларни шакллантиришдаги ўрни масалаларини ёритишга хизмат қилган;

Ўзбек ва инглиз тилларидаги фразеологик бирликлар семантикасини чоғиштириш, фразеологик бирликларда кўчма маънонинг концептуаллашуви, таржима матндаги когнитив-семантик хусусиятлар таҳлили каби илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетиде бажарилган Европа Иттифоқининг ERASMUS+ дастури доирасидаги Латвиянинг Резекна технологиялар Академияси, Англиянинг Лондон Метрополитен университети билан ҳамкорликдаги “561624-EPP-1-1-UK-EPKA2-SVNE-SP IMEP” мавзусидаги халқаро лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг 2022 йил 16 июндаги 02/389-сон маълумотномаси). Натижада, ўзбек ва инглиз тилидаги фразеологик бирликларнинг таржима матнлардаги семантик хусусиятлари ёрқин ёритилиши ва улар мазмунининг дастурга сингдирилиши лойиҳанинг маълумотлар базаси кенгайишига хизмат қилган;

Ўзбек ва инглиз тилида сўз, сўз бирикмаси, фразеологик бирликнинг кўчма маънолари асосида юзага келган бадийлик, образлик, семантик кўчиш талқинларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телерадиоканалининг “Такдимот” ва “Мавзу” кўрсатувларининг сценарийларини ёзишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон” телерадиоканали ДУК “Маънавий-маърифий ва бадий эшиттиришлар” муҳарририятининг 2021 йил 10 мартдаги 01-14-371-сон маълумотномаси). Натижада, сўз ва сўз бирикмаларининг яширин маънолари, фразеологизмларнинг маъносини таҳлил эта олиш, таржималардаги мазмун-моҳиятини англаш ва қўллай олиш ҳамда дастурлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни назарий ва амалий маълумотлар билан бойишига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7та, жумладан, 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда жами: 2 та республика, 5 та хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 161 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотнинг I боби **“Тилшуносликда когнитив-семантик таҳлил ҳамда ўзбек-инглиз тилларида сўз ва сўз бирикмалари тадқиқининг когнитив асослари”** деб номланиб, унда дунё тилшунослигидаги когнитив-семантик назарияга муносабат, ўзбек ва инглиз тилшунослигида сўз ва сўз бирикмалари тадқиқининг илмий-когнитив асослари ҳамда уларнинг шаклланиш усули сифатида конверсиянинг лингвистик таърифи кабилар ўрганилган.

Когнитив тилшунослик тил ва тафаккур муносабатига асосланадиган, нутқ ифодасида онг ва тафаккур ўрнини ёритадиган, нутқнинг нейрофизиологик, психологик, биологик жараён сифатидаги хусусиятларини, ижтимоий, лингвомаданий воқеликни шахс омили призмаси нуқтаи назаридан талқин қиладиган соҳа ҳисобланади. Когнитив тилшунослик масалалари тил воситасида воқеликни, нарса-ҳодисани ҳис қилиш, англаш ва тасаввур қилиш билан бевосита алоқадордир. З.Д.Попова, И.А.Стернинлар когнитив тилшуносликнинг культурологик, лингвокультурологик, семантик-когнитив, мантикий, фалсафий-семиотик йўналишларини тавсифлаб келтирганлар. Когнитив лингвистика уч асосий қисмга бўлинади: 1. Когнитив семантика – лексик семантика билан шуғулланадиган соҳа. 2. Когнитив грамматика – морфология ва синтаксис билан ҳамда грамматика билан алоқадор бошқа бўлимлар билан шуғулландиган соҳа. 3. Когнитив фонология<sup>8</sup>.

Жаҳон тилшунослигида когнитологиянинг асосан, семантик-концептуал таҳлили, унинг моҳиятини тушунишда семиотика, метафора кабиларнинг тадқиқи, сўз бирикмалари гап структурасига бағишланган тадқиқотлар ҳамда когнитив тилшуносликнинг терминологик аппарати, таянч тушунчалари изоҳланган илмий ишлар амалга оширилган<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж, 2007. – С.41 -43.

<sup>9</sup> Frannhag H. Interpretive Functions of Adjectives in English. A Cognitive Approach. Printed by MEDIA-TRYCK Lund university, 2010 -203 p.; Stampoulidis G. Street Artivism on Athenian Walls. A cognitive semiotic analysis of metaphor and narrative in street art. Lund University, 2021. –143 p.; Болдырев Н.Н. Когнитивная семантика: курс лекций по английской филологии.-Тамбов, 2000.; Кубрякова Е.С., Демьянков В.З. и др. Краткий словарь когнитивных терминов. – М., 1996.; Бархударов Л.С. Структура простого предложения современного английского языка. СПб.ЛКИ,2012. – 200 с.; Ханаху Д.Р. Атрибутивные словосочетания в русском и английском языках. Дисс....канд.филол. наук. – Майкоп, 2007. – 166 с.

Е.Кубрякова тадқиқотларида когнитологиянинг ривожланиш босқичларини таҳлил қилиш асносида, психоллингвистиканинг когнитив жиҳатларини, тил бирликларининг инсон фаолияти натижасини ифода этиш функциясини ҳамда тилнинг ахборотни ифодалаш хусусиятларини ва концептларнинг тил бирликлари орқали ифодаланиш имкониятларини кўрсатиб берди. Шунингдек, олима инсон лисоний онгида янги билим ҳосил бўлиш жараёни ва бунда мавжуд билимларни идрок этилишидаги ўрнини илмий жиҳатдан асослади<sup>10</sup>. Ўзбек тилшунослигида А.Абдуазизов, Ш.Сафаров, Д.Ашурова, А.Маматов, Н.Маҳмудов, И.Сиддиқова каби қатор олимлар изланишларида когнитив тилшунослик масалалари таҳлил қилинган. Когнитив тилшуносликка доир бир қатор тадқиқотлар юзага келди<sup>11</sup>.

Инглиз тилшунослигида сўз ва сўз бирикмасининг турлари, хусусиятлари грамматикага оид манбаларда ўз ифодасини топган. Аксарият ўринларда лингвистик маънога эътибор қаратилган, яъни сўз ва сўз бирикмасининг нарса-буюм, воқеа-ҳодиса ҳақида тушунча, кенгайган ва аниқлаштирилган тушунча ифодаланиши назарда тутилган. Сўзларнинг бирикуви, сўз ва сўз бирикмаси хусусиятларини контекстда ўрганишга бағишланган айрим тадқиқотларда лингвистик маънодан ташқари психоллингвистик маънолар ҳақида сўз юритилган. Бундай тадқиқотлар сўз ва сўз бирикмаларига когнитив-семантик жиҳатдан ёндашишга илмий-назарий жиҳатдан бирламчи асос бўлади. Сўзларнинг ёзма шаклини ва талаффузини фарқлашда маъно муҳим роль ўйнаши мисоллар орқали кўрсатиб берилган<sup>12</sup>.

Инглиз тилшунослигида сўз бирикмаларининг психоллингвистик хусусиятларига доир тадқиқотлар олиб борилган. Л.Бабина тадқиқотида когнитив жараёнлар концептуал деривация назарияси билан алоқадорликда таҳлил этилган. Сўз ясалиш жараёни инсон лисоний онгида мавжуд билимлар асосида янги билимларнинг юзага келишини акс эттиради. Бу жараёни когнитив таҳлилларсиз изоҳлаб бўлмаслиги мисоллар орқали кўрсатиб берилган, сўз ясалиш жараёнининг концептуал тизимдаги ўзгаришларни ёритишга хизмат қилиши асосланган<sup>13</sup>.

Сўз ва сўз бирикмаси таҳлиliga бағишланган бир қатор тадқиқотларда лингвистик таҳлиллардан ташқари когнитив таҳлиллар учун асос бўлувчи илмий-назарий қарашлар баён этилганини кузатамиз. Сўз ва сўз бирикмаси нутқий ҳодисадир. Б.Ўринбоевнинг фикрича, “сўз абстракт маъноли бўлиб, бирикмага киришгач, унинг маъноси конкретлик томон силжийди. Сўз тарихий категория бўлиб, тил бирлиги ҳисобланади, сўз бирикмаси эса нутқ жараёнидагина ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам у нутқ бирлиги ҳисобланади”<sup>14</sup>. Тадқиқотчи сўз бирикмасининг сўздан, қўшма сўздан,

<sup>10</sup> Кубрякова Е. Начальные этапы становления когнитивизма: лингвистика - психология когнитивная наука. Вопросы языкознания. 1994. - № 4.; Кубрякова Е. Язык и знание: на пути получения знания о языке. Части речи с когнитивной точки зрения. Роль языка в познании мира. - М.: Языки славянской культуры, 2004.

<sup>11</sup> Ashurova D.U., Galiyeva M.R. Cognitive Linguistics. “VneshInvestProm”. – Tashkent: 2018.

<sup>12</sup>Trudeau, Jeremiah J. Semantic contributions to word naming with artificial lexicons, 2006.

<sup>13</sup> Бабина Л.В. Когнитивные основы вторичных явлений в языке и речи. Монография. – М., 2003.

<sup>14</sup> Ўринбоев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида синтактик муносабатлар. – Самарқанд, 2022. 47 б. – Б.38.

фразелогик бирикмадан фарқини ёритишда улар ифодалаган тушунчага асосланади. Олим гапнинг синтактик бирлик эканлигини изоҳлар экан, унда ифода этиладиган ҳукми тафаккур бирлиги сифатида талқин қилади. Тафаккур натижаларининг гапда ифодаланишини, шу тариқа фикр алмашиш имконияти вужудга келишини, тил категориялари тафаккур категориялари билан ўзаро муносабатда бўлишини таъкидлайди. Тил ва тафаккурнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиб ўтади<sup>15</sup>.

Р.Сайфуллаева сўз бирикмаси аъзолари орасидаги боғланиш ҳар бир сўзда яхлит ҳолда мавжуд бўлган маъновий (М), шаклий (Ш), жойлашув (Ж) омилларининг ўзаро мувофиқлигига таянишини қайд этиб, сўзда бу уч омил яхлитлигини, маълум бирикиш жараёнида бирортаси устунлик қилса, бошқалари кучсизланишини *хатни ёзмоқ* бирикмаси орқали тушунтиради. Бирикмадаги тобе сўз (*хатни*)да шаклий омил *-ни* тобеликни кўрсатувчи етакчи омил бўлса, ҳоким сўз (*ёзмоқ*)да маъновий омил устунлик қилади<sup>16</sup>. Бу омиллар лингвистик маънодан концептуал маънога бориш учун асос бўла олади.

Ўзбек тилидаги сўз бирикмаси ва унинг хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар таълимий характерга эга бўлиб, бир қатор ўқув қўлланмалари, дасрликларда ўз ифодасини топган. Сўз бирикмасига доир талқинларда лингвистик тавсифлардан ташқари когнитив ёндашув элементлари ҳам кузатилади. Сўз ва сўз биримкасига доир тўпланган материаллар, сўз бирикмалари тавсифи, боғланиш усуллари, синтактик муносабат кўринишлари когнитив таҳлилларга асос бўладиган муҳим белгиларни ўз ичига олган. Когнитив таҳлилнинг марказида концепт тушунчаси ётади. Кейинги тадқиқотларда “концепт” ҳам тафаккур бирлиги сифатида қаралмоқда<sup>17</sup>.

Концепт тушунчасининг фанга кириб келиши когнитив тилшунослик билан боғлиқ. В.Карасик концептни шахс, дискурс билан алоқадорликда тил сферасини ташкил этувчилар сифатида талқин қилди<sup>18</sup>. Ю.Степанов концептни тил ва менталлик муносабатларини таъминловчи омил сифатида баҳоласа<sup>19</sup>, С.Тер-Минасова концептни лингвокультурология доирасидаги масалалар негизида тавсифлайди<sup>20</sup>. А.Абдуазизов концепт кўламнинг катталигини, маъно билан биргаликда образни ҳам қамраб олишини қайд этади<sup>21</sup>.

Концепт ўзбек тилшунослигидаги тадқиқотларнинг ҳам марказий масаласи сифатида белгиланди. Ш.Сафаров изланишларида когнитив концептнинг назарий масалалари, унинг таърифи, тавсифи таҳлил қилинган

<sup>15</sup> Ўринбоев Б. Кўрсатилган асар. – Б.41.

<sup>16</sup> Sayfullayeva R. va boshqalar. Hozirgi ozbek adabiy tili. – Toshkent, 2010. – B. 441.

<sup>17</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – Б.8.

<sup>18</sup> Карасик В.И. Языковой круг: личность, концепты, дискурс. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.

<sup>19</sup> Степанов Ю.С. Язык и ментальность. – СПб: “Петербургское введение”, 2004. – 64 с.

<sup>20</sup> Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2008. – 264 с.

<sup>21</sup> Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. –Т.:Sharq, 2010.

бўлса<sup>22</sup>, Н.Тўхтажўжаева диссертациясида лингвокультурологик концептнинг таржима қилинган бадий матнлардаги тадқиқи амалга оширилган<sup>23</sup>.

Когнитив концепт барча концептлар асосида турадиган идрок маҳсулидир. Психолингвистик концепт нутқ ва нутқ фаолияти билан боғлиқ бўлиб, идрок ва когнитив қобилият орқали намоён бўлади. Концепт –ментал тузилма, у фикр таркибидаги билимлар умумлашмасидир. Концептнинг тизимлилик хусусияти мураккаб тузилишида ва ментал тузилма сифатида идрок этилиши билан белгиланади<sup>24</sup>.

З.Д. Попова И.А.Стернинлар лингвокогнитив тадқиқотларга ёндашувни такомиллаштира бориб, “когнитив-семантик ёндашув” сифатида ривожлантирганлар. Бу ёндашувни тил семантикаси билан халқ концептосфераси, семантик жараёнлар билан когнитив жараёнлар муносабатини тадқиқ қилувчи йўналиш сифатида тавсифлаганлар. Когнитив тилшунослик методологиясининг асосий позицияси тил белгиларининг семантикасини ўрганиш орқали концептосферага ёриб киришда намоён бўлишини таъкидлаганлар. Когнитив-семантик ёндашув тамойиллари сифатида концепт ҳам психолингвистик, ҳам лексикографик маънони ўз ичига олишини таъкидлашган<sup>25</sup>.

Когнитив-семантик анализ тил бирликларининг лексикографик ва психолингвистик маъно таҳлиliga асосланади. Лексикографик маъно мантикий метод, интроспектив метод, сўзнинг турли оғзаки ва ёзма контекстларда қўлланишини таҳлил қилиш, компонент таҳлил методи орқали ёритилади. Тадқиқотимизда когнитив-семантик таҳлилнинг лексикографик маъноларига асосландик. Луғат мақолалари, сўзларнинг луғатлардаги изоҳи, таржима матнлар компонент таҳлил методи асосида тадқиқ қилинди.

II боб “**Инглиз-ўзбек тилларидаги сўз ва сўз бирикмалари семантик таҳлилида когнитив ёндашув**” масалаларига бағишланган. Бобда инглиз-ўзбек тилидаги сўз ва сўз бирикмалари семантикасида тил ва тафаккур тушунчаси, когнитив тилшуносликда пропозиция билишнинг асосий формати сифатида, сўз ва сўз бирикмаларининг концептуаллашуви ва уларни ўрганишда билишнинг фрейм шаклига муносабат ёритилган.

Тилшунослик назариясига оид аксарият адабиётларда тафаккурнинг умуминсоний характерга эга бўлиши, тил, унинг қонун-қоидалари миллий характер касб этиши таъкидланган. Дунё тилларининг қонун-қоидаларига кўра бир-биридан фарқ қилиши, тафаккур шакллари, тамойиллари эса инсонларнинг миллати, ирқи, давридан қатъи назар, ҳаммада бир хил бўлиши қайд этилган<sup>26</sup>. Лекин кейинги йилларда замонавий йўналишдаги тадқиқотларда тилга олинаётган “ментал лексикон” тушунчаси миллий белгиларнинг тафаккурда ўзига хос акс этишини кўрсатди. Ментал лексикон

<sup>22</sup>Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Сангзор, 2006. – 91 б.;

<sup>23</sup>Тўхтажўжаева Н. Бадий таржимада лингвокультуремаларнинг ифодаланиши. Филол.фан.фалсафа д-ри дисс. (PhD). – Т., 2017. –124 б.

<sup>24</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах, 2006. – Б.17.

<sup>25</sup> Попова З.Д., Стернин И.А. Семантико-когнитивный анализ языка. – Воронеж: Научное издание, 2007. – С.13.

<sup>26</sup> Хайруллаев М., Нақберdiyev М. Mantiq. –Toshkent, 1993.

кенг маънода сўзларнинг шахс онгида қандай тақдим этилиши ва тизимлаштирилиши билан боғлиқ тафаккур маҳсулидир. Ментал лексикон инсонга маълум бўлган ҳамда мулоқот қилиш учун зарур бўлган барча тушунчаларни ўз ичига олади. Тадқиқотларда ментал лексикон “таърифлаб бўлмайдиган маълумотлар омбори” сифатида тавсифланади<sup>27</sup>. Ментал лексикон семантикага асосланади.

Лексемалар таҳлили жараёнида маданиятлараро турли даражадаги семантик фарқлар кузатилади. *Илон* ва *шилликқурт* ўзбек тилида алоҳида тушунчаларни ифодалайди ва уларни номлаш асоси ҳам турлича. *Илон* – узун, думалоқ танали, териси ёрдамида судралиб ҳаракатланадиган, қовоғи йўқ жонивор. Бу от қадимги туркий тилда “қимирла-”, “жил” маъносини англатган *йыл*- феълидан –(а)н қўшимчасини қўшиш орқали ясалган: *жыл* >*йыл*+ *ан* >*йилан*>*илан* (ЎТИЛ I, 116). Инглиз тилида илон “судралувчи” маъносидаги *snake* сўзи билан номланади. *Шилликқурт* инглиз тилида *snail* билан ифодаланади ва бу сўз семантикасида ҳам “судралиш” семаси мавжуд. Инглизлар онгида ҳар икки жонзотнинг бир хил ҳаракат – судралиш белгиси намоён бўлган. Ўзбек маданиятида илоннинг жилиб юриши, сезилар-сезилмас ҳаракати асос қилиб олинган бўлса, *шилликқурт* сўзида унинг танасидан ажралиб чиқувчи шиллик модда номлашга асос бўлган. Шиллик “елимсимон, суюқ ёпишқоқ модда”: *шил*+*иқ*>*шылық*>*шиллик*. Инглизлар бу жонзотларни номлашда ташқи белгиларга асосланган бўлса, ўзбеклар ҳам ташқи белгиларга, ҳам ички хусусиятлари, тана тузилишлари, таркибига ҳам аҳамият беришгани маълум бўлади.

*Конверсия* сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтиши, шу йўл билан янги сўз ҳосил бўлишидир<sup>28</sup>. Ҳозирги ўзбек тили назариясига доир манбаларда конверсия лексикализация жараёни сифатида изоҳланган. Лексикализация ёки лексемалашувнинг, жумладан, фонетик вариантлар маъновий ихтисослашишининг умумлисоний қонуниятлар хусусан, лексеманинг меъёрий синтагматик ва парадигматик муносабатларини ўзгартириши, лисоннинг нутқий ҳосилалар ҳисобидан муттасил бойиб бориши, тил тизимида шакл ва маъно симметриясига интилиш, лексеманинг унда аташ-номлаш функциясини бажаришга ихтисослашган бирлик сифатида ўзига хос ўрни, сўз бирикмаларининг лексемалашуши ҳамда ясама сўзнинг мана шу таъсир остида ихтисослашган маънолар касб этиши мазмунида изоҳланган<sup>29</sup>. Л.Гадимова тадқиқотида конверсия сўз яшаш воситаси ёки транспозиция турларидан бири сифатида эмас, тилнинг универсал тасвирий воситаси сифатида таҳлил этилган. Мазкур ёндашув тилнинг ўзига хос эҳтиёжларини акс эттирувчи ва конверсияни сўзловчининг коммуникатив вазибалари сифатида белгилайдиган когнитив табиати омиллари билан боғлиқ<sup>30</sup>.

<sup>27</sup> Bayeen C. *Lexicon & Psycholinguistic: Mental Lexicon Models*. – Brinston, 1999.

<sup>28</sup> Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати.-Тошкент,2002–Б.49.

<sup>29</sup> Sayfullayeva va boshqalar. *Hozirgi ozbek adabiy tili*.-T.,2010.-B.200.

<sup>30</sup> Gadimova L.S. *The Cognitive Bases of Conversion in Modern English*. Azerbaijan University of Languages, Azerbaijan. *Theory and Practice in Language Studies*, Vol. 11, No. 3, pp. 308-313, March 2021

Конверсия турли грамматик бирликлар учун бир хил асосдан фойдаланиш сифатида қаралади. Айрим тадқиқотларда конверсиянинг фақат морфологияга, фақат синтаксисга ёки ҳам морфологияга, ҳам синтаксисга алоқадор ҳодиса эканлиги асосланган<sup>31</sup>.

Конверсия инглиз тили морфологиясида янги сўзларни шакллантиришнинг самарали усули сифатида тавсифланган. Бу жараён деривацион характерга эга бўлиб, сўзнинг лексик категорияси бир синфдан иккинчи синфга ўтган бўлса ҳам, шаклда ўзгариш бўлмайди. Тадқиқотларда конверсия синхрон ва диахрон аспектда кўриб чиқилган<sup>32</sup>.

Бир қатор тадқиқотларда инглиз тилидаги асосий тотал конверсия йўналиши ўрганилган. Асосий тотал конверсия жараён сифатида асоснинг грамматик белгиларини ўзгартириш йўли билан янги лексик элементни ҳосил қилиш натижаси сифатида белгиланади: *dry (quruq - sifat) – to dry (qurimoq-fe'l)*. Шуниси ҳам борки, бундай ҳолларда жуфликнинг қайси аъзоси асос, қайси бири конверсияга учраган жуфти эканлигини аниқлаш қийин. Бу борада конверсияга учраган матнларнинг катта ҳажмли корпуси тўпланган<sup>33</sup>.

М.Асанова тадқиқотида конверсия функционал ҳодиса, синкретизм эмас, сўз ясалишининг семантик-морфолого-синтактик усули сифатида таҳлил этилган<sup>34</sup>. А.Ю.Голубева тадқиқотида ҳам конверсияга сўз ясалиш усули сифатида ёндашилган. Грамматика ва лексикада конверсия мазмун жиҳатидан эквивалент бўлган гаплардаги субъектив-объектив муносабатларни ифода этиши айтиб ўтилган<sup>35</sup>.

Конверсия юқоридаги ҳодисаларнинг барчасини қамраб оладиган тушунчадир. Конверсия деб баҳоланган тил бирликларини туркумлараро кўчиш, трансформация, сўз ясалиши, туркум синкретизми каби кўринишларга ажратиб, фақатгина бир туркумдаги сўзнинг бошқа туркумга кўчишига нисбатан қўлланадиган термин сифатида ажратган маъқул, деб ҳисоблаймиз.

Синтактик бирлик (сўз бирикмаси, гап бўлаги, гап)да ифодаланган объектив борлиқ бўлаги, воқелик, вазият мазмуний синтаксисда *пропозиция* деб юритилади. Пропозициянинг ифодаланишида мазмун ва шаклнинг мувофиқ эмаслиги маълум бўлади. Бир мазмун (пропозиция) турли шакл (сўз бирикмаси ва гап) билан ифодаланган. Шунингдек, бир шакл турли мазмунларни ифодалаш мумкин. Масалан, *Мен ўқувчиман* гапи синтактик шакл сифатида икки мазмунни ифодалаган. Қиёсланг: *Мен ўқувчиман – I am schoolboy. Мен ўқувчиман – I am reader*<sup>36</sup>.

<sup>31</sup> Conversion in English. Fadhil Al-Murib Z. A. Dept. of English, College of Education, Islamic University, Najaf, Iraq. Education and Linguistics Research. 2021, Vol. 7, No. 1

<sup>32</sup> Kim, Ga Hyun. Synchrony and Diachrony of Conversion in English. The University of Edinburgh, 2010.

<sup>33</sup> Barli Bram. Major total conversion in english: the question of directionality. A thesis submitted to the Victoria University of Wellington in fulfilment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy; Victoria University of Wellington, 2011.

<sup>34</sup> Асанова М.С. Конверсия как способ словообразования (на материале английского и карчаево-балгарского языков. –Нальчик,2007.

<sup>35</sup> Голубева А.Ю. Конверсия в словообразовании:узус и окказиональность. Автореф. дисс... канд. филол. наук. –Воронеж,2014.

<sup>36</sup> Sayfullayeva va boshqalar. Hozirgi ozbek adabiy tili.-T.,2010.-B.470.

Синтаксисда гап мазмуни объектив ва субъектив мазмундан иборат деб қаралади. Объектив мазмун гапда акс этган пропозиция (*диктум*), субъектив мазмун воқеликка сўзловчининг муносабати (*модус*)дир<sup>37</sup>.

Синтактик бирикув асосида ифодаланган мазмун диктум, яъни пропозициядир. Гап фақатгина мазмунни ифодаловчи шакл эмас, балки сўзловчининг муносабатини ифодаловчи нутқ кўриниши ҳамдир. Шунинг учун, модус, яъни модаллик гапни шакллантирувчи зарур қисм сифатида қаралади:  $P$  (*пропозиция*) +  $M$  (*модус*) = *гап*.

Пропозиция мавзуси тадқиқотларда назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

О.Циганская рус ва инглиз тили материаллари мисолида синтактик концептни пропозиция хилма-хил ифодаси ҳамда содда гап структур схемаси намоён бўлишининг когнитив модели сифатида талқин қилган. Тадқиқотда синтактик концептнинг дискурс учун актуал бўлган объектларнинг олам манзараси фрагментлари билан алоқадорлигининг когнитив модели сифатида талқин қилинган. Синтактик концептларнинг асосий моделлари, уларнинг тавсифи ва таснифи, дискурсни шакллантиришдаги ўрнини кўрсатиб берилган<sup>38</sup>.

Пропозициялар комплекси элементлари (тенг) бирикиш ва тобе-ҳокимлик муносабатида бўлади<sup>39</sup>. Умуман олганда пропозиция олам манзараси, когнитив билим, мантиқий билиш, нутқ идроки билан боғлиқ ходиса бўлиб, тил ва тафаккур билан алоқадорликда таҳлил қилинади. Пропозиция ифодасини когнитив тушуниш билан лингвистик семантикадаги пропозиция фарқланади. Лингвистик семантикада пропозиция “гапнинг барча модал ва коммуникатив парадигмалари учун умумий бўлган семантик инвариант”ни ифода этади.

Концепт, образ когнитив қолип, модел сифатида тавсифланса, фрейм, скрипт, сценарий, гештальт концептуал тизим бирликлари сифатида қайд этилади. Ш.Сафаров фреймни инсоннинг бошқа ахборотларни идрок этиши, қабул қилиши учун зарур бўлган билимлар захираси сифатида тавсифлаган. Ҳар бир шахс онгидаги фреймлар тўплами мавжуд билим ва янги маълумоларни идрок этиш жараёнини таъминлайди<sup>40</sup>.

Скрипт (ингл. script) «қўлёзма, ёзув» маъносидаги сўз бўлиб, намунавий концептуал тузилмаларнинг бир тури сифатида қаралиб, инсон тафаккурида акс этаётган борлиқдаги воқеларнинг меъёрий кетма-кетлиги намунасидир<sup>41</sup>.

Борлиқ, макон элементлари қай тартибда бўлмасин, инсон онги уни тартиблаштиради, тизимли равишда реаллаштиради. Бу жараён инсон онгидаги проекцияларнинг мазкур элементлар билан алоқадорлик даражаси,

<sup>37</sup> Sayfullayeva va boshqalar. Hozirgi ozbek adabiy tili.-T.,2010.-B.470.

<sup>38</sup> Цыганская О. Синтаксический концепт как когнитивна модель репрезентации провозиции и структурной схемы. – Майкоп, 2019. –Б.16.

<sup>39</sup> Ткаченко А.В. Атрибутивные словосочетания в контексте форматирования знания (на материале английского языка)/Филологияческие науки. Вопросы теории и практики.2020. Том 13. Выпуск 3. -С. 161.

<sup>40</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. –Жиззах: Сангзор, 2006.-Б.27.

<sup>41</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.-Жиззах, 2006. –Б.38.

улар ўртасидаги бир -бирини тақозо қилувчи белгилар асосида тизимлаштирилади.

Ҳар бир шахснинг лисоний заҳираси турли алоқалар воситасида боғланган скриптлар тўпламидан иборат. Бу тўпламни тил соҳибларининг ҳаётий билимларини акс эттирувчи «семантик тўр» сифатида тасаввур қилиш мумкин<sup>42</sup>. Айрим сўз бирикмалари таҳлилида тўхталамиз. Инглиз тилида *head* сўзининг қуйидаги кўчма маънолари инглиз тилининг ўзига хос бўлиб, ўзбек тилида кузатилмайди.

Инглиз тилида *head/ бош* “юқори”, “уч” маъноларида ишлатилади:

*a head of lettuce* (бир боғ кўкат) – *the top part of a plant where a flower or leaves grow* (ўсимликнинг гул ўсадиган юқори қисми). Кўкат ҳажмини билдирган *head* “боғлам” маъносидан кўра ўсимликнинг илдизига қарама-қарши, яъни юқори қисмини англатади. Қуйидаги бирикувларда ҳам *head* лексемасининг “юқори”, “уч” семалари акс этган:

*coming to a head* (авж нуқтасига келмоқ) – *in the sense of climax, a culmination* (авж нуқтаси, кульминация маъносида).

*the head on the ice cream soda* (музқаймоқ кўпиклари) – *a light mass of fine bubbles formed in or on a liquid* (суяқлик юзасида ҳосил бўлган пуфакчалар).

*Head's campus* (гиёҳвандлар кампуси) – *a person who regularly uses drugs especially illegally* (гиёҳванд моддаларни, айниқса, ноқонуний равишда мунтазам ишлатадиган шахс). Бунда *head* “учига чиққан”, “юқори нуқтадаги” мазмунидаги семани ифодалайди. Инглиз лисоний онгида бошнинг инсон танаси юқори қисмида жойлашуви маъно кўчишларига асос бўлган.

Концептуаллашув онгда концептларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларидир, концептга олиб борадиган янги маълумотларнинг англанишидир. Инсоннинг бевосита ҳиссий тажрибаси, воқеликни идрок этиши, предметлар билан бевосита боғлиқ фаолияти, фикрлаш операцияларининг фреймларга муносабати концептуаллашув омиллари саналади.

III бобда “Сўз ва сўз бирикмалари когнитив хусусиятларининг инглиз тилидан ўзбек тилига таржимада берилиш муаммолари” таҳлил этилган. Бобда маданиятлараро коммуникатив компетенцияда таржиманинг муҳим аҳамияти, метонимия сўзларнинг янги маънолари яратилишида когнитив механизм сифатида, метафора ва фразеологик бирликларда сўз ва сўз бирикмасининг когнитив хусусиятлари, метафора ва фразеологик бирликларнинг таржимада акс эттиришнинг когнитив муаммоларига муносабат баён этилган.

Таржима масаласи, таржима жараёнининг тил ўзлаштириш билан алоқадор жиҳатлари, тил билимида маданий белгиларнинг ифодаланиш даражасини аниқлаш маданиятлараро мулоқотнинг муҳим шартларидан биридир. Ўқув адабиётларида сўзловчининг тили ва ўрганилаётган тил

<sup>42</sup> Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик.-Жиззах, 2006. –Б.39.

ўртасидаги маданий ўхшаш ва фарқли белгиларни ажратиш алоҳида аҳамиятга эга<sup>43</sup>. Таржима жараёнидаги миллий калорит, миллийлик ифодасини, маданиятлараро муносабат масалаларига ҳам эътибор қаратилган<sup>44</sup>. Мутахассислар таржима жараёнида миллий калоритни сақлаб қолиш муҳимлигини таъкидлашади. Адабиётларда ҳар бир тилнинг ўзига хос сўзларини таржима қилиш усуллари келтирилган: 1. Транслитерация усули. 2. Аналогия-ўхшашлик. 3. Янги сўз ва сўз бирикмаси яратиш-миллий сўз ва ибораларни, ном ва тушунчаларни қўллаш<sup>45</sup>.

Инглиз тилига ва инглиз тилидан таржималар, асосан, ХХІ асрда, ахборот асрида жонланди, десак тўғри бўлади. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1. Инглиз тили дунё тили сифатида ўз мавқеини мустаҳкамлаб, метатил сифатида тоборо кўп маданиятларга сингиб бормоқда. 2. Инглиз тилида сўзлашувлар миқдори йил сайин ортиб бормоқда. 3. Кейинги йилларда бу тилни ўрганувчилар сони ҳам давлатлар кесимида ортиб бормоқда. 4. Инглиз тилининг дунё майдонида кенг доирани қамраб олиниши инглизларнинг оқилона тил сиёсати, тил ўқитишнинг такомиллашган замонавий методикасининг шаклланиши билан изоҳлаш мумкин.

Таржимашуносликка оид адабиётларда қайд этилганидек, матн шакл ва мазмун жиҳатдан ўзига хос бутунлик экан, унинг мазмунидаги изчиллик таржимада ҳам акс этиши керак. Таржима жараёнида аслиятнинг хусусиятларини эътиборга олиш, ундаги образлилик, тасвир усулига аҳамият бериш лозим бўлади.

Метонимияда бирор нарса ёки воқеа-ҳодисанинг номи бошқасига кўчирилади, бироқ бу номлаш нарсалар ўртасидаги ўхшашликка эмас, балки улар ўртасидаги яқинликка, алоқадорликка асосланади. *The White House (Оқ уй) used in place of the President or White House staff* (Президент ёки Оқ уй ходимлари ўрнига ишлатилади) *The White House will be making an announcement around noon.* Оқ уй тушга яқин қарорни эълон қилди. *Used in place of the President or White House staff* (Президент ёки Оқ уй ходимлари ўрнига ишлатилади). Бу метонимия ижтимоий-сиёсий мавзудаги матнларда кўп ишлатилади. Ўзбек мулоқот хулқида ҳам *оқ уй АҚШ* муҳитига нисбатан “хукумат”, “маъмурият” маъноларини англатади.

*For an entire plate of food* (Тўла тарелка ёки таом). *That fancy fish dish you made was the best of the evening.* Мазкур гапдаги метонимияда идиш “таом” маъносида қўлланмоқда. Метонимиянинг бу кўриниши ўзбек тилида ҳам кўп кузатилади: *икки пиёла ичдим* (чой ҳақида), *бир лаганни ейишди* (ош ҳақида). Бунда таом ёки суюқлик ҳажми у жойлашган идий билан ўлчаниши асосида метонимия юзага келмоқда.

<sup>43</sup> Козыкина Н.В., Флешлер О.И. практика перевода в комментариях и заданиях: английский русский.- екатеринбург,2017.-154 с.

<sup>44</sup> Очилов Э., Ходжаева Н. Таржима назарияси (ўқув қўлланма).-Тошкент,2020. -182 б. –Б.77-89.

<sup>45</sup> Очилов Э., Ходжаева Н. Кўрсатилган манба. –Б.88.

Метонимия ва метафора ўхшаш, аммо улар бир хил ҳодиса эмас<sup>46</sup>. Метонимия синекдохага ўхшайди ва баъзан аралашиб кетади. Худди шундай узвийлик тамойилига асосланган бўлса-да, синекдоха бир қисмини ифодалаш учун бир бутунни ёки бутунни ифодалаш учун қисмини ишлаганда ҳосил бўлувчи ҳодисадир. Мисол тариқасида, “Бешикни тебратган қўл дунёни бошқаради” нақлида метонимия ва синекдоха ўртасидаги фарқ яққол кўринади. Бу ерда “қўл” тананинг бир қисми сифатида онанинг синекдохик ифодаси, “бешик” эса мазмунан яқин алоқада болани ифодалайди ва бу метонимия асосида маъно кўчишидир.<sup>47</sup>

Умуман, метонимия тилнинг тафаккур, идрок билан алоқадорлигини асословчи ҳодиса ҳисобланади.

Онгда ўзаро алоқадорлик харитаси сифатида таърифланган метафора ва унинг нутқдаги лингвистик шаклларда намоён бўлиш масалалари тадқиқотларда ёритилган. Дастлабки тушунчалар ҳамда метафораларнинг нутқни қайта ишлаш жараёнида когнитив ифодаланиш муносабатлари таҳлил қилинган. Нутқни тилшунослик, дискурс-аналитик, шунингдек, психологик қарашлар бўйича кўп босқичли ҳодиса сифатида тушуниш таҳлиллари асосида лингвистик шаклларни, концептуал тузилмаларни, коммуникатив функцияларни ва когнитив тасвирларни тавсифловчи метафора кўринишлари мисоллар асосида изоҳланган. Лингвистик шакллар, концептуал тузилмалар ва коммуникатив функцияларни ўрганишда таҳлилнинг семиотик томонигагина эмас, балки индивидуал когнитив жараёнлар ва уларнинг нутқда воқеланишига эътибор қаратилган<sup>48</sup>.

Терминлар метафоризациясида лексик бирликнинг қайта анланган маъноси воситасида илмий ноаниқлик аниқлик орқали ифода этилади. Янги воқелик, жараён, ҳодисани тажрибада таниш бўлган информация орқали ифодалаш илмий дунёни англашда аҳамиятлидир<sup>49</sup>. Қуйидаги метафораларнинг контекстуал хусусиятлари борасида тўхталамиз.

*So she says, 'Don't you call me Mattie' and he hushed and he just stood there a little man; he looked kind of like me, they said tapping one of them little high-price cigars on his glove, with his face looking like he had thought about smiling a little and then he decided it wasn't even any use in that*<sup>50</sup>. Бу матнда *little man* содда бирикмаси (тобе+ҳоким сўз) *кичкинагина увоқ одам денг* (тобе+тобе+ҳоким) шаклидаги мураккаб бирикмага алмаштирилган. Таржима матндаги *увоқ сўзи ўзбек маданияти ментал онгидаги кичкина аниқловчисининг образли муқобилини акс эттирган.*

<sup>46</sup> John Fiske, *Introduction to Communication Studies*, 2nd ed. Routledge, 1992.

<sup>47</sup> Nina Norgaard, *Beatrix Busse, and Rocío Montoro, Key Terms in Stylistics. Continuum, 2010.*

<sup>48</sup> Herrmann J.B. *Metaphor in academic discourse: Linguistic forms, conceptual structures, communicative functions and cognitive representations.* –Amsterdam, 2013.

<sup>49</sup> Ефемов А.А. *Когнитивные и структурно-семантические особенности метафорических терминов (на материале терминологии американо-нефтегазовой отрасли).* Автореф. дисс...канд. филол. наук.-Майкоп, 2013.-21 с. -С.9.

<sup>50</sup>Faulkner William. *Black Music.* Kindle Edition, 13th 2021. Folkner Uilyam. Qora musiqa. I.G`afurov tarjimasi. – Toshkent:Ziyo,2020.

Метафора масалалари Н.А.Арутюнова, У.Ю. Ваулина, В.Г.Гак, В.П. Григорьев, Ю.Н.Караулов, Ю.И.Левин, Г.Д.Скляревская, В.Н.Телия ишларида ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ёритилган.

Тадқиқотларда метафора ва метафорик тафаккур генезиси, от ва феъл асосли метафораларнинг юзага келиши, тавсифи, метафорик кўчиш моҳияти, метафора турлари, метафорик бирликларнинг лексик-семантик, морфологик, синтактик аспектлардаги таҳлили амалга оширилган. Узуал метафора ҳодисалари ва муаллиф нутқида хос окказионал метафорик кўчим ўртасидаги фарқнинг намоён бўлиши, метафораларнинг услубий хусусиятлари, метафора усулларининг бадиий матндаги ифодаси ўрганилган.

“Кўз” лексемаси иштирокидаги метафора ва фразеологизмлар фаоллиги жиҳатидан “бош” соматизмидан кейинги ўринда туради. Кўз иштирокидаги лексик-семантик майдон бирликлари монографик планда тадқиқ этилган<sup>51</sup>. “Кўз” соматизми иштирокидаги бирикмалар метафора усулида ҳосил бўлган: *blue eye* “кўк кўз”, *blind eye* “кўк кўз”, *green eye* “яшил кўз”, *black eye* “қора кўз”, *brown eye* “жигарранг кўз”, *sharp eye* “Ўткир кўз”, *hawk eye* “Лочин кўз”, *tired eye* “чарчаган кўз”, *monolid eye* “қисик кўз”.

Инглиз тилида *eye* “кўз” иштирокидаги сўз бирикмалари тил эгасининг дунёқараши, борлиқни қабул қилиши, идрок даражасига кўра ўзбек тили билан умумийликни ҳосил қилади: масалан, сўз бирикмаларида кўз рангига, шаклига эътибор бериш ҳар икки маданиятда ҳам умумий белгиларни намоён қилади. Шу билан бир қаторда фарқли белгилар ҳам мавжуд бўлиб, маданиятлардаги тафовутлар билан изоҳланади. Инглиз маданиятидаги сўз бирикмаларида *eye* “кўз” бирлиги асосида ранг, шахс руҳий ҳолатига эътибор қаратилган ўринлар кучлироқ намоён бўлади: *green eye*, *black eye*, *sore eye*.

*Eye* “кўз” билан боғлиқ фразеологизмларда ҳам инглиз тили соҳибининг кўпроқ инсон дунёқараши, руҳиятига эътибор қаратгани кўзга ташланади. Масалан, кимдандир миннатдор бўлиш “*A sight for sore eyes*” “касал кўз учун ёруғлик қанчалик зарур бўлиш” даражасига қиёсланган. Ҳаммага кўз ташлайдиган шахс қиёфаси, характери, феъл-атвори *Wandering eye* “саёхатчи кўз” ўхшатиши билан ифодаланган.

Таржимашунослик борасидаги бир қатор муаммолар фразеологик бирликлар таржимаси билан боғлиқ. Фразеологик бирликлар бир тилдан иккинчи тилга асосан тўрт хил йўл билан – аслият тилидаги компонентлар таркиби, грамматик қурилиши ҳамда маъно ва услубий вазифасига мос эквивалентлар, бошқа хоссалари фарқ қилгани ҳолда, маъно ва услубий вазифаси ўхшаш муқобил вариантлар, калька усулида ва тасвирий йўсинда таржима қилинади<sup>52</sup>. Бунинг ўзига хос лингвистик, психолингвистик, когнитология билан боғлиқ сабаблари бор. Фразеологизмларнинг шаклланиши маълум бир вақтни, муддатни талаб қилади. Фразеологик

---

<sup>51</sup> Шокиров Ш. И. Турли тизимдаги тилларда “кўз” лексик-семантик майдони ва уни ташкил этувчи тил бирликлари типологияси. Монография.-Андижон, 2021.

<sup>52</sup> Мусаев Қ. Таржима назарияси асослари. –Тошкент:Фан, 2005.-Б.185.

бирликлардаги семантика кўчма маънога асосланади. Кўчма маънонинг шаклланиши маълум даражадаги когнитив билим асосида амалга ошади.

Коннотация – сўз ёки ифоданинг денотатив маънога семантик, эммоционал-экспрессив хусусиятлар ва услубий бўёқдорлик жиҳатидан кўшимча мазмуни бўлиб<sup>53</sup>, коннотацияни англаш маълум бир тажрибани, кузатишларни талаб қилади. Шу асосда лисоний онгда фразеологик бирикма семантикасига оид муайян билим ҳосил бўлади. Тил соҳиби фразеологик бирликни эшитганда унинг лисоний онгида бирликнинг ўз маъноси эмас, кўчма маъноси идрок этилади. Шунинг учун ҳам таржимоннинг аслият тилини билиш даражаси муҳим аҳамият касб этади. Фразеологизм билан боғлиқ муаммолар, кўп ҳолларда аслият тилини билмаган таржимонлар фаолиятида кузатилади. Таржима матнларда фразеологик бириклар таржимасида муаллиф маҳорати орқали яратилган тасвир намуналари кузатилади.

*The money. The money he stole and had to come down here. What else do you reckon he would come down here and stay twenty-five years for? just to look at the country?*

Аслият матнидаги *just to look at the country?* “фақат мамлакатни томоша қилиб юрмоқ” деган бирикма “беҳуда” маъносига тенг келувчи *куннинг ботишини томоша қилиб юрмагандир* деган окказионал ибора билан алмаштирилган. Бу ўринда *кун ботишини томоша қилмоқ* инсон руҳиятига таъсир қиладиган манзара сифатида ҳам аҳамиятлидир. *Just to look at the country?* “фақат мамлакатни томоша қилиб юрмоқ” фразеологизмида китобхон онгида мавҳум тушунча жонланади. Агар у бирор шаҳар гўзаллигидан завқланиб, унинг онгида арзигулик хотиралар қолган бўлса, шу шаҳар манзараси намоён бўлади. *Кун ботишини томоша қилмоқ* ибораси эса кўпчилик онгида бетакрор гўзаллик намунаси сифатида таниш манзарани жонлантиради.

*Some damn fellow that's too rich to afford to be caught stealing sets back and leaves a durn fool that never saw twenty-five hundred dollars before in his life at one time, pull his chestnuts for him.* Ушбу инглизча матндаги *pull his chestnuts for him* “у учун каштан узиб бермоқ” мазмунидаги фразеологик бирикма *чўғ устидан ниста олиб бериб турмоқ* фразеологизмига алмаштирилган. Таржимоннинг маҳорати лисоний онгга маданий нуқтаи назаридан ёндашганида кўринади. *Pull his chestnuts for him* “у учун каштан узиб бермоқ” фразеологизми ўзбек маданиятига нотаниш манзара. Биринчидан, Ўзбекистон ҳудудида каштан дарахти кам учрайди. Иккинчидан, ўзбеклар онгида “каштаннинг узиб олиниши”, ундаги қийинчилик ҳақидаги билим мавжуд эмас. *Чўғ устидан ниста олиб бериб турмоқ* ибораси эса аниқ тасаввур ҳосил қилади. Китобхон онгида чўғ ва унинг куйдириш хусусияти, пистанинг кичик ҳажмдалиги ҳақида ахборот мавжуд. Бу билим жараённинг мураккаблиги тўғрисидаги идрокни ҳосил қилади.

Мен ҳалиги биринчи ҳамсуҳбатимга ўхшаган (...) тишлари инжудай оппоқ, қорамағиз, назокатли, ўйчан ерли кишилар орасида (...) вағирлашиб сўзлашадиган кимсалардан андак холи қолишим билан уни биргалликда ўзим билан нонушта қилишга таклиф қилдим. Ушбу таржимадаги инжудай оппоқ деб инсон тишининг сифатланиши асл матнда *grave white teeth* (қабр тошидай оппоқ), *қорамағиз* тавсифи эса *the dark* (қоронғуликдай) кўринишида келтирилган. Тишнинг қабр тоши оппоқлигига қиёсланиши ўзбек маданиятига нафақат хос эмас, балки қабул ҳам қилинмайди. Ўзбек мумтоз адабиётида тишнинг оқлиги инжу рангига қиёсланади. Бунда тишнинг ҳам ранги, ҳам соғломлиги ҳақида ахборот берилади. *The dark* (қоронғуликдай) мазмунидаги лексема ҳам ўзбек тилида инсонга нисбатан инъикос этмайди, балки макон ва замон билан боғлиқ тушунчадир. Масалан: *Авлоний илм ҳақида, «Бизларни жаҳолат, қоронғуликдан қутқарур»*<sup>54</sup>, деб таъкидлаган.

Фразеологизмлар билан боғлиқ таржималар ҳар доим ҳам муваффақиятли чиқавермайди.

## ХУЛОСА

1. Антропоцентрик йўналиш сифатида юзага келган когнитив тилшунослик онг ва тафаккурнинг олами билиш қонуниятларини талқин қилувчи, тил ва тафаккур муносабати, интеллектуал қобилиятга асосланадиган, нутқнинг ижтимоий-социал, нейробиологик, психологик, биологик хусусиятларини талқин қиладиган соҳа ҳисобланади. Когнитив тилшунослик масалалари социолингвистика, лингвокультурология, психолингвистика, прагматингвистика йўналишлари ҳамкорлигида тадқиқ этилмоқда. Шу боис ҳам когнитив лингвистика интеграция асосидаги соҳа ҳисобланади. Тил когнитив тизимнинг фаолият маҳсули ҳисобланади. Лисоний билим инсонга хослиги, тажриба ҳамда унинг онгдаги синтези натижасидир.

2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз ва сўз бирикмаси борлиқ ҳақида ахборот берувчи, эмоционал-экспрессив мазмун ифодаловчи, тўплаш функциясига эга бўлган кодлар ҳисобланиб, уларнинг таҳлилида тизим сифатида, лисоний фаолият ва унинг маҳсули сифатида ёндашилган. Инглиз тилида сўз бирикмаси кенг доирада тушунилади. Тенг боғланишли бирикувлар, турғун бирикмалар ҳам сўзлар бирикмаси сифатида талқин этилган. Инглиз тилшунослигида сўз ва сўз бирикмаларининг психолингвистик хусусиятларига доир тадқиқотлар олиб борилган. Сўз ва сўз бирикмаси лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қилинган. Когнитив йўналишдаги тадқиқотларнинг аксарияти феъл туркумидаги сўзлар семантикасини ёритишга қаратилган. Лексемаларнинг семасиологик-когнитив аспектдаги таҳлилига оид тадқиқотлар, сўз бирикмаларининг грамматик талқинлари когнитив-семантик таҳлил учун илмий-назарий асос вазифасини ўтайди.

<sup>54</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, 2013. – Б. 22-23.

3.Ўзбек тилшунослигида сўз бирикмаси тор доирада тушунилади. Сўзнинг мулоқотдаги ўрни, тушунча ифодаланиши, тушунчанинг умумийлиги, луғавий маънонинг миллий характерга эгаллиги таҳлил қилинган. Сўз маъноларининг валентлик имкониятларини ёритишда тушунча ва тафаккур билан боғлиқ жиҳатларга эътибор қаратилган. Сўз бирикмасининг сўз маъноларини аниқлаштиришдаги, реаллаштиришдаги ўрни кўрсатиб берилган. Тадқиқотларда сўз ва сўз бирикмаси ифодалаган маъно, тушунча, уларнинг идрок этилиши, сўзларнинг бирикувида мантиқнинг белгиловчи ўрин тутиши каби масалалар эътиборга олинган. Бу фикрлар когнитив-семантик таҳлил учун илмий материал сифатида хизмат қилади.

4.Когнитив ёндашувнинг асосий масаласи бўлган когнитив талқин тил семантикасининг халқ концептосферасига, семантик ҳодисаларнинг когнитив жараёнларга муносабатини ёритишга хизмат қилади. Когнитив талқин лексикографик ва психолингвистик таҳлилларга таянади.

Когнитив талқин асосида турувчи концепт олам манзарасини ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий билим, ментал тафаккур, идрок билан алоқадорликда акс эттирувчи тафаккур бирлигидир. Концептнинг “перцептив-когнитив-аффектив” тузилма сифатида тавсифланиши унинг лисоний идрок, тафаккурга алоқадорлиги билан белгиланади. Концепт ҳам психолингвистик, ҳам лексикографик маънони ўз ичига қамраб олади. Когнитив-семантик анализ тил бирликларининг лексикографик ва психолингвистик маъно таҳлилига асосланади.

5. Тил тафаккур маҳсулидир, ўз навбатида тил тафаккурни ривожлантириш омили ҳисобланади. Тил ва тафаккур муносабатини тил соҳибларининг билим даражаси, лисоний онги, ментал лексикони, қобилияти, маданий тафаккурига алоқадорликда таҳлил этиш когнитив йўналишдаги тадқиқотларнинг асосини ташкил этади. Тафаккур мураккаб биологик, физиологик, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган мия фаолияти маҳсули сифатида фикр ифодалашда, нутқни тушунишда, ўзаро мулоқотни таъминлашда, коммуникацияни амалга оширишда, образ ва рамзлар тасвирини яратишда асос вазифасини бажаради. Инглиз ва ўзбек тили соҳиблари тил хотирасидаги ментал лексикон нутқ жараёнида сўзларни танлаш ва валентлик асосида бириктириш функциясини бажаради. Ментал лексиконда луғавий бирликларнинг синтактик имкониятлари ва валентлик хусусиятлари ифода этилади.

6. Сўз маъноси ва унинг идрок этилиши билан боғлиқ ҳодисалардан бири конверсия ўзбек тилида бир сўзнинг фонетик ва морфологик жиҳатдан ўзгармай, бир сўз туркумидан бошқа бир сўз туркумига ўтишини ифода этади. Инглиз тилидаги конверсиянинг туркумга кўчиш, полифункционаллик, трансформациянинг бир кўриниши, сўз ясалиши, лексикализация сифатидаги хусусиятлари таҳлил қилинган. Конверсия мураккаб ҳодиса бўлиб, инглиз тилшунослиги тадқиқотларидаги ёндашувлар уни бир хил лингвистик қолип асосида тавсифлашга имкон бермайди.

Конверсия ичидаги туркумаро кўчиш, трансформация, сўз ясалиши, туркум синкретизми кабилар алоҳида ажратилиши керак.

7. Пропозиция синтактик бирликларда ифодаланган олам манзараси, борлик, воқелик, вазият ҳақидаги тушунча, мазмундир. Инглиз тилшунослигида пропозиция олам манзарасини ифодалашнинг когнитив модели сифатида таҳлил қилинган. Пропозициянинг кўринишлари синтактик концепт моделлари асосида кўрсатиб берилган. Ўзбек тилида пропозиция билан боғлиқ масалалар мазмуний синтаксисда талқин этилган.

8. Когнитив тилшуносликда лисоний онгдаги концептуаллашув, сўз семантикаси ҳақида билим ҳосил қилиш, кўчма маънонинг идрок этилиши масалалари ёритилади. Инглиз ва ўзбек тилларида сўз ва сўз бирикмаларининг мулоқот жараёнидаги кўринишлари бўлиб, лисоний қонуният асосида реаллашади. Концептуаллашув онгда концептларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёнларидир, концептнинг янги маълумотлар билан бойитилишини назарда тутди. Инсоннинг ҳиссий билиш орқали эгаллаган билими, олмани, борлиқ-ҳодисаларни идрок этиши, предметлар билан бевосита боғлиқ фаолияти, фикрлаш операцияларининг инсон тафаккуридаги фреймларга муносабати концептуаллашув омиллари саналади.

9. Таржима матн мазмунини бир тилдан иккинчи тилга қайта ҳосил қилишдир. Асл манбадаги мазмун, ғоя, фикр бошқа тилда тўғри проекцияланиши лозим. Таржима жараёнининг универсал қонуниятларини, жанрий талаблардан қатъий назар, тиллараро, стилистик, вазифавий мувофиқликларнинг асосларини, конкрет бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларини, жанрий-стилистик хусусиятларига кўра бўлинган турларининг ўзига хос қонуниятларини ўрганишига кўра таржима назарияси умумий, хусусий ва махсус кўринишларга бўлинади. Сўзнинг ўз маъноси ва кўчма маъноларига оид билим лисоний онгда олдиндан мавжуд бўлади. Сўз бирикмаси кўчма маънони реаллаштирувчи нутқ омили ҳисобланади. Кўчма маънони англаш лисоний билим, тафаккур, идрокнинг меъёрий даражада бўлишини тақозо этади.

10. Инглиз тили ва ўзбек тили таржима матнларидаги сўз ва сўз бирикмалари таҳлили жараёнида маданиятлараро турли даражадаги семантик фарқлар кузатилди. Бу матнлардаги таржима ҳам “муаллиф–таржимон–ўқувчи” муносабат занжиридаги мантиқий мувофиқликка асосланади. Ўзбек тилидаги матнларда таржимоннинг тил билимидан ташқари шу тилда фойдаланиш кўникмаси асосида шаклланган лингвистик компетенцияси ҳам намоён бўлган. Таржима матннинг аслиятга мувофиқлиги таржимон иқтидори, бадий маҳорати, сўз танлаш қобилияти билан боғлиқ. Таржимон маҳорати нейтрал ифодага эга тил бирликларини услубий бўёқдор бирликлар билан алмаштиришида кузатилади.

11. Таржимашунослик борасидаги бир қатор муаммолар фразеологик бирликлар таржимаси билан боғлиқ. Фразеологизмларнинг тил соҳиби лисоний онгида узоқ тарихий давр мобайнида шаклланади. Фразеологик

маъно семантик кўчишга асосланади. Фразеологик бирлик семантикада лисоний онгда референт, денотатдан йироқлашиш, коннотацияга томон силжиш ва охир-оқибатда айнан коннотациянинг ўзини тушуниш жараёни содир бўлади. Тил соҳиби фразеологик бирликни эшитганда унинг лисоний онгида бирликнинг кўчма маъноси идрок этилади. Таржимон аслият тилини билмаса, турғун бирикмани денотатив маънода тушуниши, реал бўлмаган вазиятларни, тасвирларни юзага келтирилиши мумкин. Фразеологизм билан боғлиқ муаммолар, кўп ҳолларда аслият тилини билмаган таржимонлар фаолиятида кузатилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ ИМЕНИ  
АЛИШЕРА НАВОИ**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ  
МИРЗО УЛУГБЕКА**

**МУРАТХОДЖАЕВА ФЕРУЗА ХОТАМОВНА**

**КОГНИТИВНО-СЕМАНТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЗНАЧЕНИЙ СЛОВ И  
СЛОВСОЧЕТАНИЙ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ И  
ИХ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА**

**10.00.06 – сравнительное литературоведение, сопоставительное языкознание и  
переводоведение**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под № B2020.2.PhD/Fil1319**

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации размещён на трёх (узбекском, русском, английском (резюме)) языках на веб-странице Научного совета ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net))

**Научный консультант:**

**Сиддикова Ирода Абдузухуровна**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Бахронова Дилрабо Келдиёровна**  
доктор филологических наук, профессор

**Аскарова Шахноза Камолидиновна**  
доктор философии по филологическим наукам

**Ведущая организация:**

**Ташкентский государственный педагогический университет**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 при университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Ҳожиб, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.navoiy-uni.uz](http://www.navoiy-uni.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои (зарегистрировано за № \_\_\_\_\_). (Адрес: 100100, Ташкент, Яккасарайский район, ул. Юсуф Хос Ҳожиб, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ([www.tsuull.uz](http://www.tsuull.uz)); e-mail: [monitoring@navoiy-uni.uz](mailto:monitoring@navoiy-uni.uz).)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(Протокол реестра рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года)

**Ш.С.Сирожидинов**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, док.  
филол. н., профессор

**Қ.У.Пардаев**  
Ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, док.  
филол. н., доцент

**Н.З.Нормурадова**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, док. филол. н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость диссертационной темы.** В мировой лингвистике исследование языкового сознания и разума, а также их вербализация осуществляется в рамках отношений между языком и мышлением, языком и речью. В частности, в направлении антропоцентрической парадигмы в языковой и концептуальной картине мира появились исследования, направленные на освещение разума, мышления, ментального сознания. В результате изучения языковых явлений в взаимосвязи с языковой базой, лексиконом, уровнем знаний, способностями, культурным сознанием пользователей языка, развилась когнитивная лингвистика. Функция языка, связанная с постижением окружающего мира, познанием мира, имеет существенное значение в отчетливой демонстрации когнитивных признаков вербальных средств изучения особенности отражения национально-культурных отношений в рамках неродственных языков.

В мировой науке на базе сравнения, сличения языков, определения их универсальных и уникальных особенностей осуществляется анализ общих и частных признаков вербальных средств. В постижении окружающего мира, отражении вселенной изучение отношений между языком, языковым сознанием и мышлением, а также исследование вопросов ментального лексикона, его роли в языке, его определяющего влияния на мыслительный процесс приобретает все более практический характер. Осуществляются изыскания относительно функций слов и словесных единиц, которые отвечают за организацию коммуникации в концептуализации языкового сознания, категоризации картины мира, отношениях между языком и мышлением.

В узбекской лингвистике вопросы когнитивной лингвистики исследуются опираясь на понятия психолингвистики, прагмалингвистики, лингвокультурологии. В повестку дня вносятся такие вопросы, как определение когнитивных особенностей слов и словосочетаний путем сопоставления узбекского языка иностранным языкам, вынесение нашего родного языка в один ряд с наиболее развитыми языками мира, “развитие переводческих школ по качественному переводу узбекских национальных выдающихся и современных образцов литературы на мировые языки, широкая поддержка системы перевода лучших образцов мировой литературы с оригинальных языков и языков-посредников на узбекский язык”<sup>55</sup>. Сравнительное исследование агглютинативных языковых признаков с флективными языковыми особенностями, в частности, вопросы когнитивно-семантического анализа значений слов и словосочетаний на узбекском и английском языках и вопросы, связанные с проблемами их переводов, считаются актуальными.

---

<sup>55</sup> Указ Президента Республики Узбекистан “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28.01.2022 года № УП-60.

В определенной степени настоящее диссертационное исследование служит в осуществлении задач, определенных указами и постановлениями Президента Республики Узбекистан “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года № УП-4947, “О мерах по дальнейшему развитию узбекского языка и совершенствованию языковой политики в стране” от 20 октября 2020 года № УП-6084, “О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан” от 19 мая 2021 года № ПП-5117-сонли, “О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования” от 20 апреля 2017 года № ПП-2909, постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан “О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в образовательных учреждениях” от 11 августа 2017 года № 610, а также другими нормативно-правовыми актами, касающимися данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике.** Настоящее исследование осуществлено в соответствии с I приоритетным направлением развития науки и технологий в республике “Общественное, правовое, экономическое, культурное, духовно-просветительское развитие информационного общества и демократического государства, развитие инновационной экономики”.

**Степень изученности проблемы.** В последние годы в лингвистической науке появились несколько новых отраслей, в том числе и лингвокогнитология, и несмотря на свое стремительное развитие, ряд вопросов все еще остаются без окончательных ответов. Основные понятия когнитивной лингвистики за рубежом освещены в исследованиях ряда ученых, таких как Ф.Варела, Е.Томсон, Р.Лангаккер, Ж.Лакофф, М.Джонсон, Н.Жинкин, Б.Величковский, Н.Караулов, Ю.Степанов, С.Тер-Минасова, З.Попова, И.Стернин, Н.Болдырев, В.Карасик, Г.Воркачев<sup>56</sup>. Наряду с разъяснением теоретической сущности когнитивной лингвистики, эти ученые также охарактеризовали ряд таких вопросов, как анализ ее основных понятий, включая разум, человеческое мышление и психика, концепт, личность-язык-дискурс, языковые явления на основе концептуального подхода.

У нас в стране также появились ряд научных исследований, касающихся лингвокогнитологии. В изысканиях ряда ученых, как Ш.Сафаров,

---

<sup>56</sup> Varela, F., Thompson, E. *The Embodied Mind: Cognitive Science and Human Experience*. – Cambridge, 1991. – p.328.; Langacker, R. *Cognitive Grammar: A Basic Introduction*. – New York, 2008. – p. 573.; Лакофф Дж., Джонсон М. *Метафоры, которыми мы живем*. – Москва: Едиториал УРСС, 2004. – 256 с.; Жинкин Н. О кодовых переходах во внутренней речи // *Вопросы языкознания*. – Москва, 1964. – № 6. – С.26-38; Величковский Б. *Когнитивная наука: Основы психологии познания: в 2т. – Т. 1.* – Москва: «Академия», 2006. – 448 с.; Караулов Ю.Н. *Языковая личность*. – Москва: Наука, 2004. – 264 с.; Степанов Ю.С. *Язык и ментальность*. – Санкт-Петербург: Петербургское введение, 2004. – 64 с.; Тер-Минасова С.Г. *Язык и межкультурная коммуникация*. – Москва: Слово, 2008. –264 с.; Попова З. Д., Стернин И. А. *Когнитивная лингвистика*. – Москва, 2010. – 314 с.; Болдырев Н.Н. *Когнитивная лингвистика*. – Москва; Берлин: Директ-Медиа, 2016. – 251 с.; Карасик В.И. *Языковой круг: личность, концепты, дискурс*. – Волгоград: Перемена, 2002. – 477 с.; Воркачев С. *Концепт счастья: понятийный и образный компоненты* // *Известия РАН*. 2001. № 6. С. 47–58.

А.Абдуазизов, Д.Ашурова, А.Нурмонов, М.Хакимов, Н.Махмудов, М.Расулова, А.Маматов, Д.Худайберганова, И.Сиддикова, С.Мухаммедова, Л.Раупова, Н.Нормуродова, М.Галиева, Д.Бахронова, проанализированы такие вопросы, как функциональное расширение понятий когнитивной лингвистики, величина знаний и воображения, концептного масштаба, одновременное заключение в себе смысла и образа, язык и ментальность, мышление и вербальность, человеческий фактор, языковая личность, прагматическая аналогия полипредикативных единиц в диалогическом дискурсе, отношения разума-речи-языка, лингвокогнитивная категоризация картины мира<sup>57</sup>.

В когнитологии в моделировании когнитивной системы используется два вида стандартного вычисления: классический подход (символизм) и современный подход (коннекционизм<sup>58</sup>). По утверждению И.Меркулова, при символизме человеческое мышление подобно мышлению компьютера с центральным процессором, последовательно обрабатывающего единицы символьной информации. Коннекционизм же основывается на предположении, что человеческое мышление не может быть уподоблено центральному цифровому процессору из-за несовместимости с данными нейробиологии, а может имитироваться при помощи искусственных нейронных сетей, способных параллельно обрабатывать несколько вида данных<sup>59</sup>. Как выяснилось, по сравнению с традиционными цифровыми компьютерами, искусственные нейронные сети (устройства) имеют ряд неоспоримых преимуществ – они, в частности, могут эффективно распознавать, изучать мыслительные образы, решать сложные вопросы<sup>60</sup>. Как утверждают Б.Менглиев и З.Холманова: “Пока знания не приобретают системный характер, они все еще остаются представлениями. Утвердившиеся (систематизированные) знания имеют концептный характер. Сущность

---

